I. САНОАТ

Дастлабки маълумотлар бўйича 2019 йил январь-март ойларида вилоят корхоналари томонидан 1493,7 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб, ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан саноат ишлаб чиқариш индекси 105,7 % ни ташкил этди.

Жами саноат ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг асосий омили бўлиб, ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноатида ишлаб чиқариш индекси 5,6 % га (жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 94,3 %и), тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлашнинг – 79,1 % га (жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 0,2 %и), электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашнинг 7,1 % га (жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 4,4 %и) ва сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилишнинг – 12,7 % га (жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 1,1 %и) ўсиши ҳисобланади.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат ишлаб чиқариш таркиби (жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан %)



Иқтисодий фаолият турлари бўйича ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти турлари
(йирик корхоналар бўйича)

	Ўлчов бирлиги	***2019 йил январь-март***	***2018 й январь-мартга нисбатан % да***
Шебень ишлаб чиқариш	тн	-	-
Шағал ишлаб чиқариш	тн	11022,0	86,8
Пахта толаси	тн	16507,0	67,4
Пахта чигити	тн	25353,0	68,6
Пахта тивити (линт)	тн	1172,0	76,7
Тайёр шойи газламалар ишлаб чиқариш	минг м2	-	-
Омухта ем ишлаб чиқариш	тн	6501,0	102,7
Кунжара ишлаб чиқариш	тн	18174,0	103,1
Соапсток ишлаб чиқариш	тн	697,0	86,3
Миллий нон ишлаб чиқариш (лепешка)	тн	9,9	26,5
Юмшоқ буғдой ва спельта уни	тн	30414,62	107,0
Йирик шохли қорамол, чўчқа, қўй, эчки, отсимонлар оиласига кирувчи хайвонлар гўшти, янги сўйилган ёки совитилган	тн	-	-
Тозаланган пахта ёғи ва унинг фракция-лари (кимёвий модифи-кация қилинганларидан ташқари)	тн	4946,0	82,6
Ишлов берилган суюқ сут	тн	1,2	40,0
Минерал сув ишлаб чиқариш	минг. л.	7522,0	102,2
Узум виноси	минг. л.	29,2	29,2 м
Ароқ	минг.л.	82,0	25,6

2019 йил январь-март ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш

	млрд. сўм	*ўсиш суръати, % да*
Иқтисодий фаолиятнинг алоҳида турлари бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми	1493,7	105,7
Фойдали қазилмалар қазиб олиш (тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш) маҳсулотлари	3,6	79,1
Ишлаб чиқарадиган саноат	1408,1	105,6
ундан:		
Озиқ-овқат маҳсулотлари	323,5	105,8
Тўқимачилик маҳсулотлари, кийимлар, тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш	664,2	98,6
Ёғоч ва пўкак буюмлар, поҳол ва тўқиш учун материаллардан буюмлари, қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари, мебеллар ишлаб чиқариш	28,5	101,3
Ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш	0,5	105,2
Кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш	41,3	102,7
Электр жихозлар ишлаб чиқариш	59,4	196,2
Бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш	39,6	84,2
Металлургия саноати	24,0	98,6
Автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ишлаб чиқариш, машина ва ускуналарни таъмирлаш ва ўрнатиш, тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	124,7	134,0
Бошқа турдаги махсулотлар ишлаб чикариш	102,4	101,1
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	65,5	107,1
Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	16,5	112,7

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш

Тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини рағбатлантириш ва турларини кенгайтириш, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2018 йилнинг январь-март ойларига нисбатан (105,3 % га) ошишига таъсир кўрсатди, жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши эса 52,8 % ни ташкил этди.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми ва ўсиш суръатлари (2019 йил январь-март ойлари учун)



Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш таркиби ***(жами истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан фоизда)***



2018 йилнинг январь-март ойларига нисбатан истеъмол товарлари таркибида ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш улушининг 63,0 % дан 2019 йил январь-март ойларида 63,3 % га ошиши кузатилмоқда.

Шу билан бирга 2018 йилнинг январь-март ойларига нисбатан истеъмол товарлари таркибида озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш улушининг 37,0 % дан 2019 йил январь-март ойларида 36,7 % га камайиши кузатилмоқда.

Озиқ-овқат маҳсулотлари таркибида пиво ва спиртли ичимликлар ишлаб чиқариш хажми 4,1 млрд.сўмни ташкил қилиб ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан ўсиш сурьати 42,3 %ни ташкил қилди.

Ноозиқ-овқат истемол товарлари таркибида тўимачилик хамда кийим кечак ишлаб чиқариш хажми 251,4 млрд.сўмни ташкил қилиб, мос даврга нисбатан ўсиш суръти 102,7 %ни ташкил қилди.

<u>Туман(шаҳар)ларнинг саноат ишлаб чиқариши</u>

Туман(шаҳар)ларнинг саноат салоҳиятини ошириш бўйича амалга ошириб келинаётган изчил чоралар натижасида Наманган тумани (2018 йилнинг январь-март ойларига нисбатан 123,6 % га), Норин тумани (110,5 % га), Наманган шаҳри (105,2 % га), Поп (109,3 % га), Учқўрғон (112,1 % га) туманларида сезиларли даражада ишлаб чиқариш ҳажми индексининг ўсиши таъминланди.

Туман(шаҳар)лар бўйича саноат ишлаб чиқариш ҳажми индекснинг ўсиш суръатлари
(2019 йил январь-март ойлари учун)
(ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан, % да)



Ҳудудлар ичида ўсиш суръати паст даражада бўлган Янгиқўрғон (87,2%га), Чортоқ (94,1% га), Тўрақўрғон (89,7%га), Мингбулоқ (86,6%га) ва Уйчи (97,3%га) туманларида камайганлигини кузатиш мумкин.

Вилоят саноат ишлаб чиқариш ҳажми таркибида энг кўп Наманган шаҳри (вилоят саноат ишлаб чиқариш ҳажмнинг 41,4% улушини), Наманган тумани (11,6 %), Учқўрғон (11,1 %), Тўрақўрғон (8,1 %), Уйчи (7,5 %), Поп (5,8 %) туманлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Туман(шаҳар)ларнинг вилоят жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши %да
(2019 йил январь-март ойлари учун)



Ҳудудлар ичида ўсиш суръати паст даражада бўлган Мингбулоқ (86,6 %га), Янгиқўрғон (87,2%га), Тўрақўрғон (89,7%га), Уйчи (97,3%га) ва Чортоқ (94,1 % га) туманларида камайганлигини кузатиш мумкин.

Вилоят саноат ишлаб чиқариш ҳажми таркибида энг кўп Наманган шаҳри (вилоят саноат ишлаб чиқариш ҳажмнинг 41,4% улушини), Наманган тумани (11,6 %), Учқўрғон (11,1 %), Тўрақўрғон (8,1 %), Уйчи (7,5 %), Поп (5,8 %) туманлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Шу билан бирга энг кам улуши Норин (3,0 %), Чуст (2,9 %),Косонсой (2,4 %), Чортоқ (1,7 %) ва Янгиқўрғон (1,0 %) туманлари ҳиссасига тўғри келади.

Саноат маҳсулотлари ва истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми

(2019 йил январь-март ойлари учун)

	Саноат маҳсулотлари, (млрд. сўмда)	***2018 йил январь-март ойига нисбатан, % да***	***Истеъмол товарлари, (млрд.сўмда)***	***2018 йил январь-март ойига нисбатан, % да***
Вилоят жами	**1493,7**	**105,7**	788,6	105,3
Наманган ш.	51,9	105,2	367,9	106,2
Мингбулоқ	35,8	86,6	7,9	99,7
Косонсой	173,8	100,3	32,5	110,2
Наманган т	44,3	123,6	80,2	98,5
Норин	86,2	110,5	17,1	108,2
Поп	122,0	109,3	27,9	104,6
Тўрақўрғон	111,8	89,7	61,2	106,9
Уйчи	165,4	97,3	48,1	103,7
Учқўрғон	24,9	112,1	85,9	103,7
Чортоқ	42,7	94,1	16,8	108,9
Чуст	14,8	107,1	29,5	112,8
Янгиқўрғон	51,9	87,2	13,5	101,8

Аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг табақаланиши таҳлили Наманган шаҳрида (1011,0 минг сўм), Наманган туманида (993,2 минг сўм), Учқўрғон (981,4 минг сўм) ва Тўрақўрғон (551,7 минг сўм) туманларида ўртача вилоят даражаси кўрсаткичидан (541,6 минг сўм) юқорилигини кўрсатмоқда.

Туман(шаҳар)лар бўйича аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ва истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми, минг сўмда
(2019 йил январь-март ойлари учун)



Туман(шаҳар)лар кесимида аҳоли жон бошига ўртача саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг юқори ўсиш суръатлари Наманган шаҳрида (2018 йилнинг январь-март ойларига нисбатан 103,1 % га), Учқўрғон (110,1 % га) ва Наманган (120,9 % га) туманларида кузатилди. Шу билан бирга, Чортоқ (92,3 %) ва Тўрақўрғон (87,9 %) туманларида ўсишнинг паст суръатлари кузатилди.

<u>Саноат ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг ҳиссаси</u>

Кичик тадбиркорлик субъектлари саноат ишлаб чиқаришда кескин фаоллашгани натижасида улар томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш индекси ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 7,9 % га ошишини таъминлади, ўз навбатида кичик бизнеснинг жами саноат ишлаб чиқаришдаги улуши эса 63,3 % ни ташкил этмоқда.

Туман(шаҳар)лар кесимида кичик бизнеснинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги энг юқори улуши Янгиқўрғон ва Чортоқ туманида (жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 100,0 %), Косонсой (100,0), Наманган (85,3 %), Уйчи (69,8 %) ва Чуст (65,8 %) туманларида кузатилди. Шу билан бирга, энг кичкина улуш Мингбулоқ (16,4 %), Поп (40,7 %) туманларида кузатилди.



Тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурининг амалга оширилиши

Республика саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришининг ривожланишига тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастурининг амалга оширилиши ҳам ўз таъсирини кўрсатди, мазкур дастур доирасида киритлган 25 та лойиҳа бўйича 18,1 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

Тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурининг асосий кўрсаткичлари
(январь-март ойлари учун)

	2019 йил	***2018 йил***
Лойиҳалар сони, *бирлик*	25	38
Корхоналар сони, *бирлик*	13	19
Ишлаб чиқариш ҳажми, *млрд. сўм*	18,1	204,1
Экспортга қилинган маҳаллийлаштирилган маҳсулот хажми, *минг. АҚШ долл.*	-	38,02
Яратилган янги иш ўринлари, *бирлик*	9	61

Фаолият юритаётган ва янги ташкил этилган саноат корхоналари

Бугунги кунда вилоятда 4,8 мингдан ортиқ саноат корхоналари фаолият кўрсатаётган бўлиб, улардан 2187 таси Наманган шаҳрига, 362 таси Чуст, 348 таси Уйчи, 328 таси Наманган, 285 таси Тўрақўрғон, 301 таси Косонсой, 180 таси Чортоқ, 204 таси Учқўрғон, 184 таси Янгиқўрғон, 166 таси Поп, 185 таси Норин, 111 таси Мингбулоқ туманларига тўғри келади.

2019 йилнинг январь-март ойларида вилоятда 573 та саноат соҳасида корхоналар янги ташкил этилган бўлиб, асосан Наманган шаҳри, Учқўрғон, Норин,Чуст ва Косонсой туманларига тўғри келади.

Фаолият юритаётган ва янги ташкил этилган саноат корхоналари сони, бирлик



Мингбулоқ туманида 25 та, Косонсой 52 та, Наманган тумани 32 та Норин 47 та, Поп 26 та, Тўрақўрғон 26 та, Уйчи 40 та, Учқўрғон 50 та, Чортоқ 14 та, Чуст 47 та, Янгиқўрғон туманларида 32 та ва Намнаган шаҳрида 182 та саноат соҳасида янги корхоналар ташкил этилган.